

ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ

Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал

2016

№3



Имом Бухорий халқаро марказининг илмий наشري

МУНДАРИЖА:

Шовосил ЗИЁДОВ. Миллий ўзликни англаш ва тарихимиз.....4

АЖДОДЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Анвар ҚАНДАҲАРОВ. Шайх Худойдод Валийнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни ва унинг маънавий мероси.....5

Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ. Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Абу Бакр Собуний ҳаёти ва илмий мероси.....8

Марям ЭШМУҲАМЕДОВА. Яссавий мактаби шоирлари.....10

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Саидмухтор ОҚИЛОВ. Экстремистик оқимларга қарши курашда ҳанафий ва мотуридия эътиқодининг аҳамияти.....13

Расул РАЖАБОВ, Абдулазиз БАБАЕВ. Маънавий-мафкуравий инқироз ва унга қарши кураш масалалари.....16

Shohjahon KARIMOV. Globalashuv: ta`rifi, tarixi, ijobiy va salbiy jihatlari.....19

МАНБАШУНОСЛИК

Ҳамидуллоҳ АМИНОВ. Муҳаммад Шайбонийнинг “Муватто” ривояти хусусида.....21

Музаффар ЖОНИЕВ. Мирза Олим Маҳдум Ҳожининг “Дар баёни роҳи ҳаж” асари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....24

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Иброҳим УСМОНОВ. Илк ислом ҳужжатларида бағрикенглик тамойиллари..26

Ойбек АБДИМЎМИНОВ. Ўзбекистон ва ЮНЕСКО алоқаларида конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик масалалари.....29

Баҳора ХОДЖАЁРОВА, Фазилят ҚЎЧҚОРОВА. Ўзбекистонда мустақиллик даврида фуқароларнинг виждон эркинлигини бузишга оид ҳуқуқбузарликларнинг субъектив сабаблари.....32

Сайёра САИДОВА. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик..35

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Зайнаб АБИДОВА. Қадамжо ва зиёратгоҳлар маънавий қадрият сифатида (Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари мисолида).....37

Санжар ДЖУМАНОВ. Ўзбекистон тиббиёти: ўтмиш ва ҳозирги замон.....39

Маҳмудхон ЮНУСОВ. В.Л. Вяткиннинг Самарқанд музей иши таракқиётида тутган ўрни.....42

Низом АВЛИЯКУЛОВ. Шарқ илм-фан ривожининг олтин даврида диёримизда олий таълимнинг вужудга келиш тарихи.....45

Кудрат ХУДАЙБЕРГАНОВ. Амир Темурнинг ҳарбий соҳадаги муваффақиятларининг самарадорлик омиллари.....	48
Иқром АЗИЗОВ. Бухоро амирлигида божхона ишини юритиш ва бож олиш масалалари.....	50
Дилафрўз КАРИМОВА. Шимолий Бактрия бронза даврида.....	54
Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ. Мавлоно Мир Абдурахим Марғиноний.....	56
Шоҳистахон ЎЛЖАЕВА. Амир Темур салтанатида уруғ-қабилаларнинг мавқеи.....	59
Қодирхон МАҲМУДОВ. Фотима бинти Алоуддин – самарқандлик фақиҳа....	62
Хулқар ХАЛИКУЛОВА. Ўрта аср шарқ алломалари асарларида ногиронларга ғамхўрлик муносабатининг тарихий илдизлари.....	64
Ахтам УРАЛОВ, Латиф ЖАМОЛОВ. Амир Темур – буюк бунёдкор.....	67
Мухаббат ҲАМИДОВА. Шарқ миниатюралари – Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи бўйича муҳим манба.....	69

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Одил ЭРНАЗАРОВ. Корейс ва мусулмон халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи..	71
Тўйчи АХМЕДОВ. Телевидение дастурларида миллий-диний қадриятларнинг ёритилиши.....	70
Гавҳар МЎМИНОВА. Халқ таботати мавзусини ўрганилишига доир мулоҳазалар.....	72

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Отабек ФАЙБУЛЛАЕВ. Ёшларда маънавий тарбияни шакллантиришнинг ахлоқий масалалари.....	74
Шухрат МАМАТҚУЛОВ. Шахс ижтимоий фаоллигининг фалсафий хусусиятлари.....	81
Абдулатиф АБДУМАЛИКОВ. Фуқаролик жамияти шароитида шахс инфор­мацион маданиятининг маънавий-ахлоқий таракқиётга таъсири.....	84
Илёс СИДДИҚОВ. Шахс интеллектуал маданияти тизимида интеллектуаллик ва маънавийлик нисбати.....	87

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

Норпўлат АҲМЕДЖОНОВ. Бола тарбиясида ҳамида ахлоқий сифатлар.....	90
---	----

ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР

Олимхон ЮСУПОВ. Ҳусни хулқли бўлиш ҳақида.....	93
--	----

ЯНГИ НАШРЛАР

Бахтиёр ТЎРАЕВ. Эзгу ниятлар битилган китоб.....	94
Зоҳидулло МУНАВВАРОВ, Матлуба РАҲМОНҚУЛОВА. Манбалар – тарихимиз кўзгуси.....	97



АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИДА УРУҒ-ҚАБИЛАЛАРНИНГ МАВҚЕИ

Ушбу мақолада Амир Темуր давридаги уруғ-қабилачилик масаласи таҳлил қилинган. Унда Амир Темуր давридаги, уруғ-қабилалар, уларнинг мавқеи, Амир Темурнинг бу омиладан давлат бошқарувида максимал даражада фойдалангани очиб берилган.

Таянч сўзлар: олчин, дуғлат, мўнғул, сулдуз, ойрот, баҳрин, маркит, манғит, кўнғирот.

На этой статье рассматривается статусы родового-племенного отношения в империи Амира Темура. Автор статьи анализирует основные роды и племена большую роль игравшие в жизни империи Амира Темура и темуридов. Амир Темур максимально использовал от этих особенностей в развитии государственного управления.

On this article is considered the statuses of the patrimonial - breeding relation in empire of Amir Temur. The author of article analyzes role main of tribes and the patrimonial relation Amir Temur's empire. Amir Temur as maximum used from these features in development of public administration.

Амир Темуր ҳокимият тепасига келмасдан қарийб бир аср аввал Мовароуннаҳр аҳолисининг этник таркибида муҳим ўзгаришлар юз берган.

Мўғулларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига бостириб кириши ўз навбатида янги қабил ва элатларнинг кириб келишига замин яратган. Жумладан, XIII аср ўрталарида жалойир, барлос, қавчин ва арлот этник гуруҳларининг Ўрта Осиёга кўчиши содир бўлган [2: 109-112].

К.Шониезовнинг таъкидлашича, XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида олчин, дуғлат, мўнғул, сулдуз, ойрот, баҳрин, маркит, манғит, кўнғирот ва бошқа қавмларнинг айрим гуруҳлари Мовароуннаҳрга кўчиб келган. Олим бу гуруҳларнинг аксарияти XIV асрга келиб маҳаллий аҳоли билан сингишиб кетгани, маданиятига қоришиб, ҳатто, ўз тилларини унутиб юборгани, туркий тилда мулоқот қила бошлаганликларини айтиб ўтган.

Ҳатто, Мовароуннаҳрда яшовчи турклашган мўғуллар аста-секин “мўнғул” атамасини ҳам эсдан чиқариб, ўзларини “чиғатой” деб номлаган [13: 389].

Илмий тадқиқотларга таянган ҳолда Амир Темур ва унинг ворислари даврида туркийлашиш жараёни кучайган, адабий тилнинг янги ривожланган “чиғатой” ёки “туркий” услублари пайдо бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Расмий ёзиш-чизиш ишларининг форс тили билан бирга турк тилида юритилиши ҳам маҳаллий тилга давлат сиёсати даражасида ёндашилганини кўрсатади.

Буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий томонидан «Хамса» (“Беш дoston”) асарининг юзага келишини ҳам Амир Темур томонидан туркий тилга яратилган имконият ҳамда шароитларнинг натижаси деб баҳолаш мумкин.

Чингизхон юришидан кейин Ўрта Осиёга кўчиб келган мўғул этник гуруҳлари кейинги юз йил ичида ерли аҳоли билан қўшилиб, маҳаллий анъаналарини қабул қилгани, ўзбек миллатининг шаклланишида муҳим роль ўйнагани, ассимиляция жараёнининг

янги тўлқини юз берганини англаш мумкин.

Ушбу мавзу юртимиз [1: 5-22; 6: 25-33] ва хориж олимлари [7] томонидан қисман ўрганиб чиқилган. Бу жиҳат айниқса, хориж адабиётларида яққол кўзга ташланади.

Б. Манц, М. Хайдар каби чет эл мутахассислари ўша давр удумларига мувофиқ уруғ ва қабилаларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда, мансаб ва унвонлар олишдаги ўрни, уларни тақсимлашда Амир Темурнинг катта ваколати ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтганлар. Улар Амир Темур давлатида мансабларга уруғ зодагонлари кенг жалб этилган, деган хулосага келганлар.

Хилда Хукхэм ҳам давлат бошқарувида чиғатойлар катта роль ўйнагани, улар Амир Темур ҳарбий кучининг асосини ташкил этганини [10: 72] алоҳида таъкидлаб ўтган.

Р.Г. Муқминова қабил ва ҳарбий бошлиқлари, жумладан, чиғатойлар бошлиқлари юришларда ҳал қилувчи кучга эга бўлганлиги туфайли катта имтиёзларга, хусусан, дашт-саҳроларнинг ҳоҳлаган ерларида чорваларини боқиш ҳуқуқига эга бўлгани, солиқ тўловларидан озод этилганлиги хусусида тўхталиб ўтган [5: 117-118]. Улар ўзларига берилган суюрғол ёки хусусий мулкларни эвазига келадиган бойликлар ҳисобига моддий томондан таъминланганлар.

Б. Манц Амир Темур давлатида барлос, ясурий, жалойир, сулдуз, улус, апарди, арлот қабилалари, Хутталон амирлари ҳам сиёсий мавқега эга бўлгани, асосан, амирлик даражасига ана шу қабилалардан чиққан лашкарбошилар кўтарилгани ҳақида фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтган [7: 119].

Б. Манц Амир Темур давлатида ҳарбий тамға идора усули мавжуд бўлганини айтиб ўтган [7: 111].

“Темур тузуқлари”даги Амир Темур қарамоғидаги қирқ аймоқдан ўн иккитаси барлос, тархон, арғин, жалойир, тулқичи, дўлдай, мўғул, сулдуз, тўғой, қипчоқ, арлот, тоторга тамға берилгани [8: 109] ҳақидаги маълумотлар олимнинг фикрларини тасдиқлайди.

Бу маълумотлардан Амир Темур давлатида унинг ҳарбий куч-қудратини қувватлаган ана шу уруғларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли катта бўлган, – деган хулосага келиш мумкин.

Тамғага эга бўлган уруғларнинг зодагонлари орасидан ҳарбий ва маъмурий бошлиқлар тайинланган. Масалан, Балх ва Бухорони барлос амирлари бошқарганлар [7: 124-125], қавчин уруғига кўпинча даруға мансаби берилган. Язд, Табриз, Рай, Абарқух, Хоразм, Ҳирот, Исфизор, Авникни доимий равишда қавчин амирлари бошқарган [7: 122]. Бундан кўринадики, Амир Темур давлатни бошқаришда этник-худудий омилларни ҳам инобатга олган.

Давлатни бошқаришда муҳосил ҳам катта мавқега эга бўлиб, бу мансабга ҳам кўпроқ чиғатой зодагонлари қўйилган [7: 115]. Улар забт этилган ўлкалардан солиқларни йиғиш ва хазинага жўнатиш ишлари билан машғул бўлган.

Б. Манц “Амир Темурнинг мансабларга тайинлаши аниқ қоидаларга асосланмаган. У монарх ҳокимиятининг заифлашишдан, алоҳида мансабдорларнинг ваколати кенгайиб, марказлашишга тўсқинлик қилишдан чўчиган ва ҳар бир мансаб, идорани ҳада сифатида тақдим этиб, уларнинг бошқаруви ҳамда назоратини ўз қўлида ушлаб турган” [7: 119], – деган фикрни билдириб ўтган. Биз Б. Манцнинг бу фикрига қўшилган ҳолда унинг мансаб ва унвонларни беришда маънавий ва касбий омилларга, тажрибасига эътибор бергани, аммо, унинг давлат ерлари билан биргаликда суюроғол тариқасида инъом этилган ерлар, хусусий ер соҳиблари, вақф мулклари, савдосотиқ ишларини назорат қилишни ўз зиммасига олганлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бу сиёсатнинг заминидан марказлашган давлатнинг куч-қудратини сақлаб қолиш мақсадлари мавжуд эди.

Б. Манц Амир Темур давлатининг марказий ва маҳаллий бошқарувида асосан пул-маблағлар, раҳбарлик ишлари билан боғлиқ ишларга чиғатойлар, ёзиш-чизиш, девон ишларига форсийзабон кишилар жалб этилганини айтиб ўтган.

У қарам вилоят ва ўлкалардан солиқлар ёки забт этилган ерлардан моли омон йиғишда ҳар икки девоннинг вакиллари иштирок этгани, бу жараёнларга чиғатой амирлари бошчилик қилгани, улар қатъий тарзда рўйхатдан ўтказилиб, маҳаллий девон томонидан ҳам текширилгани ҳақидаги маълумотларни келтиради [7: 109-110].

Мансаб ва унвонларга тайинлаш борасида ҳам уруғчилик удумлари аҳамиятли бўлган. Олий мартабалардан бири тавочи (адъютант) мансабига ҳам кўпинча чиғатой зодагонлари қўйилган. Улар қурултойга давлатнинг турли ўлкаларидан шахзода ва бошқа маҳаллий бошлиқларни тўплаш, юришлар олдидан лашкар йиғиш, жанглар вақтида вафот этган ҳарбийларнинг ҳисобини олиш ишлари билан ҳам машғул бўлишган [10: 67-68]. Улар лашкарнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб бориш, шароитини яхшилаш, қурол-аслаҳа билан таъминланиш даражасини аниқлаш, амирларга керакли вазифаларни топшириш, уларни тартиб рақамларини белгилаш ишларига масъул бўлганлар. Тавочилар тинчлик пайтида лаш-

карни қурилиш ишларига тортиш ишлари билан ҳам шуғулланишган. Озарбайжонда канал қурилишига ҳам тавочилар раҳбарлик қилган. Улар юришлардан тушган ўлжаларни адолатли тақсимлаш, қўшинни бир жойга қўнишини ташкиллаштириш ва бошқа ишларга ҳам масъул бўлганлар.

“Му’изз ал-ансаб”да келтирилган Жаку Барлос, Бурундуқ Барлос, Али Султон Найман, Ардашер Қавчин, Муборакшоҳ Барлос, Шамсиддин Аббос, Алимшайх, Иноқ Хумори Қавчин, Жаҳоншоҳ Барлос, Искандар Дурбат, Улайфа Қавчин, Бустари, Бўри Сулдуз, Худойдод Хусайний, Лукмон Хоразмий, Муҳаммад Буқра, Юсуф Жалил каби тавочиларнинг номларин ҳам сиёсий ҳокимиятда чиғатой уруғларининг роли катта бўлганини кўрсатади [4: 118].

Тархон ёрлиғи ўша даврнинг энг нуфузли кишиларига берилган. Улар давлат олдидан кўрсатган катта хизматлари учун ер-мулк солиқларидан озод қилинган. Тархон хон хузурига бемалол кира олган, тўққиз мартагача гуноҳи кечирилган, тегишли ўлжаси тақсимланмаган, гоҳида авлодлари ҳам солиқдан озод қилинган [3: 516].

Амир Темур саройидаги нуфузли унвонлардан бири нўён ҳисобланган. Улар Амир Темур томонидан тамғага эга бўлган чиғатой зодагонларидан чиққан бўлиб, улуг амир, ноиб, туман (ўн минг кишилиқ лашкар) бошлиғи маъноларида қўлланилган. Бу унвон эгаси ҳам Амир Темур саройида катта нуфузга эга бўлган.

Маҳаллий бошқарувда даруғалар [9: 64, 120, 136, 141, 167, 168] катта роль ўйнаганлар. Улар туман, шаҳар ёки вилоят ҳокими, соқчилар бошлиғи каби кўплаб ваколатли ишларни бажарган. Даруғалар кўпинча чегара вилоятларга ҳам тайинланган. Раият-ни рўйхатга олиш, аскар тўплаш, солиқларни йиғиш ва подшоҳ саройига етказиш, маҳаллий ҳукмдорларни назорат қилиш ишлари ҳам улар зиммасида бўлган [11: 148, 264; 12: 70, 90]. Даруғалар юришлар вақтида қўшин кузатувчиси вазифасини ҳам бажарган [7: 170]. Шунингдек, туманларни бошқариш, почта станциялари иш фаолиятини тўғри ташкиллаштириш, солиқлар йиғиш ва уларни саройга юбориш ишлари билан ҳам шуғулланган [10: 67]. Улар қишлоқ хўжалигини тиклаш, шаҳарлар қурилиши ёки қайта тиклаш ишларига ҳам масъул бўлган [7: 116].

Демак, маҳаллий ижроия ҳокимиятини бошқарувчи даруғалар ўз ҳудудларидаги барча масалаларга жавобгар шахслар бўлиб, улар теурийлар давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутганлар. Даруғаларга ҳам давлат томонидан катта талаб ва мажбуриятлар қўйилган. «Темур тузуклари»да келтирилишича, агар уларга қарашли ҳудудда бирор фуқаронинг мол-мулки талон тарож қилинса, ўша маъмурлар ўз ҳисобидан мол-мулкни тўлаганлар, шунинг учун бу мансаб ҳам жуда масъулиятли ҳисобланган. Бу мансабларга ҳам тамға ёрлиғига эга бўлган зодагонлар орасидан қўйилган.

Муҳосил Амир Темур салтанатидаги энг нуфузли мансаблардан ҳисобланган [9: 6, 107, 129, 133, 153, 207]. Муҳосиллар мансабига ҳам тамға зодагонлари орасидан қўйилган [9: 115]. Улар даруғалар

билан бир қаторда кўп шаҳарларда фаолият юритган. Муҳосиллар кўпинча моли омон, қарам ерлардан хирож солиғини йиғишга масъул бўлганлар.

“Амир Темури нима учун айнан мўғуллар даврида кучли нуфузга эга бўлган уруғ зодагонларига ҳокимиятни бошқариш ва ҳарбий ишларда таянган?” деган саволга жавоб бериш бизнингча аҳамиятлидир.

Фикримизча, Амир Темури Чиғатой зодагонларининг тарафдори бўлмагани ҳолда Мовароуннаҳр сиёсий саҳнидан уларни олиб ташлагандан кейин айнан уларга нима сабабдан таянганлигини биз қуйидагича тавсиф этамиз:

Чиғатой зодагонлари азалдан ҳарбий кучнинг асоси ҳисобланган, юришларда катта тажрибаларга эга бўлган, бир юз эллик йиллик вақт давомида Мовароуннаҳр бошқаруви ва ҳарбий ишларида катта сиёсий нуфузга эга бўлган, Чингизхон давридаги сиёсий ва ҳарбий аъёналарни сақлаб келган, маҳаллий халқнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳам яхши билган.

Бизнинг менталитетимизда обрўли кишилар орқали муаммоларни ҳал қилиш одат ҳисобланган. Амир Темури ана шу имкониятлардан тўлалигича фойдаланишга ҳаракат қилган. Бундан ташқари, форс тилида иш юритувчи девон ходимлари юқори малакага эга эканлигини инобатга олиб, Амир Темури уларнинг куч ва имкониятларидан ҳам фойдаланган.

Амир Темури давлати учун хос жиҳатлардан бири шундаки, у давлатни бошқаришда оқсуяк зодагонлар, зиёли олимларнинг қўллаб-қувватлашлари, маслаҳатларига таянган, чулки, уларнинг халқ орасидаги обрўси катта бўлган. Амир Темури давлатининг заминида ўз даврида эришилган сиёсий, тарихий, маънавий ва ахлоқий қадриятларни ўзида мужасам этган интеллектуал салоҳият ётади, деб хулоса қилишимиз мумкин. Бу табақалар бошқарувдаги маънавий-ахлоқий омилларнинг меъёрда сақланиб туришида, давлатнинг тарбиявий функциясини амалга оширишда Амир Темурига яқиндан ёрдам берган. Амир Темури ана шу имконият ва омилларни ҳам инобатга олиб ўз давлатининг қудратини оширган эди.

Амир Темури давлатни бошқаришда ўз давридаги мўғул, маҳаллий туркий, форсий-арабий аъёналаридан уруғчилик ривожланган даврда устомонлик

билан фойдаланган. У чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган бўлса ҳам, давлатни ўз даври удумларига хос равишда тақсимлаб бошқарган, аммо, маҳаллий ҳокимият устидан кучли назоратни ўрнатиб, марказий ҳокимиятни кучайтиришга интилган.

Бундан кўринадики, у ўз даврида мавжуд бўлган бошқарув йўналишларидан анча илғор, бошқа кўплаб усул ва аъёналарни уйғунлаштирган янги давлатчилик асосларини барпо этган.

Амир Темурининг ўз давридаги мартабали инсонлар, давлат бошқаруви ва ҳарбий юришларда катта матонат кўрсатган кишиларни қўллаб-қувватлаш учун суюрғол тизимидан фойдаланган, бу тизим кейинчалик марказлашган давлатнинг тарқоқ давлатга айланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Агар Амир Темури ворислари бир маслакка бирлашганларида ва шунга монанд боболари каби туғма иқтидорга эга бўлган давлат раҳбари етишиб чиққанда улар пойдевори мустаҳкам бўлган, тезкор ишлаш, ихчамлик, тежамкорлик ва самарадорликка асосланган бу ҳокимиятни узоқ вақт сақлаб қолишлари мумкин эди, аммо, тарихдан маълумки, қаерда ҳокимият, мансаб ва моддий бойлик кўп бўлса, у ерда катта мухолифатлар бўлган, Амир Темури салтанатида ҳам бу ҳолатнинг келиб чиқиши табиий эди, аммо, бу натижани тезлаштирмаслик ёки уни ўзгартиришга имкон топиш мумкин эди.

Шуни алоҳида таъкид этамизки, Амир Темури давлатида мавжуд бўлган суюрғол тизими Ғарб ва Шарқ давлатларида ҳам мавжуд бўлиб барча минтақаларга бирдек муаммо туғдирган. Бу тизим бирмунча вақт ҳокимиятнинг ишчанлиги, салоҳияти ва қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлса ҳам, кейинчалик тарқоқликни бошлаб берган. Тарихдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин: Франклар давлати, Қадимги Русь, Чингизхон, Амир Темури давлати ва бошқалар.

Умуман олганда, Амир Темури салтанатининг давлат бошқаруви ўз даври таомилларига асосан ташкиллаштирилган бўлиб, бундай усул ва жиҳатларнинг кўплари ўша даврдаги бошқа давлатчилик асослари учун ҳам хос хусусиятлардан ҳисобланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмедов Б.А. Амир Темурининг давлатни идора қилиш сиёсати. – Т.: 2006.
2. Бартольд В.В. История Туркестана / соч. Т.2.Ч.1. – М.:1963.
3. Кароматов Ҳ. Айрим атама ва тарихий истилоҳлар изоҳли луғати/Низомиддин Шомий. Зафарнома
4. Му’изз ал-ансаб (Прославляющиегенеологии) / История Казахстана в персидских источниках. – Алматы: Дайк-Пресс, 2006.
5. Мукминова Р.Г. Социальный состав населения ...
6. Муҳаммаджонов А.Р. Темури ва теуририйлар салтанати. – Т.: 2006.
7. Manz B.F. The rise and rule of Tamerlane / Cambridge University Press, 1989.
8. Темури тузуқлари / Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар, умумий таҳрир академик Б.Аҳмедовники. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1996.
9. Фасих Ахмад ибн Джалаладдин Муҳаммад ал-Хавафи. Муджмали Фасихи (Фасихов свод) / Пер. с перс., комментарии и указатели Д.Ю.Юсуповой. – Т.: Фан, 1980.
10. Хукхэм Х. Властитель семи созвездий / Пер. с англ. Г.Хидоятова. – Т.: Адолат, 1995.
11. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома//Ашраф Ахмад, Ҳайдарбек Бобобеков. – Т.: Шарқ, 1997.
12. Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаъи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз, изоҳ ва луғатлар А. Уринбоевники. – Т.: Фан, 1969. Т. 2. I-қисм.
13. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни/Таҳрир ҳайъати: Д.А.Алимова, Э.Х.Арифханова, У.С.Абдуллаев ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2001.